

Хитойнинг ССЕСС компанияси Фарғонада

Хитой Халқ Республикаси Темир йўллари вазирлигининг ташқи ёрдам бўлими бўлган Хитой Курилиш Корпорацияси (ССЕСС)нинг бир гуруҳ вакиллари Фарғона вилоятига ташриф буюришиди.

Хитойнинг темир йўлларни қуриш бўйича юқори малакага эга бўлган бу йирик давлат корхонаси узлуксиз ривожланиб бормоқда. Мазкур компаниянинг фаолият доираси Осиё, Европа, Африка, Америка ва Океания каби минтақаларга таалуқлидир. Бугунги кунга қадар ССЕСС дунёнинг 94 мамлакати ва минтақаларида ўз филиаллари ва ваколатхоналарини очган. Компания шунингдек, инфратузилма обьектларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича ҳам юқори малакага эга, шунингдек лойиҳаларни молиялаштириш борасида катта тажриба орттирган.

-Бугун Фарғона вилоятида 400 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритаётган бўлса, улар ичida Хитой капитали иштирокидаги қўшма корхоналар изчил фаолият кўрсатаётгани, ички ва ташки бозорга маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар етказиб бераётгани билан ажralиб туради,-деди меҳмонларни расман қабул қиласар экан Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Фаниев.- Вилоятимизда 3 миллион 800 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Сувоқава тозалаш иншоотлари тизимини кенгайтириш, мавжудларини мукаммал таъмирлаш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир. Бу соҳада сизлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

- ССЕСС компанияси вакиллари шу йилнинг август ойида Фарғонада бўлиб ўтган иқтисодий форумда иштирок этишган эди, -дейди компания бош директори ўринbosари Цзян Аймин. - Ушандаёқ биз Фарғона вилоятида 100 миллион долларлик инфратузилма иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлаш тўғрисида меморандиум имзоладик. Сентябрь ойида эса мутахассисларимиз бу ерга келиб ҳамкорликда лойиҳа тайёрлашди. Ўйлайманки, компаниямиз уни келгуси йилда амалга оширишга эришади.

Учрашув чоғида ҳар иккала томонлар дастлабки техник-иқтисодий лойиҳа таклифининг техник тафсилотларини келишиш ва лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича кейинги чора-тадбирларни белгилаш, вилоятимизда оқава сув ва тозалаш иншоотларини модернизация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича кейинги чора-тадбирларни белгилаш, сув таъминоти ва канализация бўйича ҳамда бошқа коммунал лойиҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида келишиб олдилар.

Музокаралар чоғида нафақат шаҳарлар, балки вилоятдаги бир қанча туман марказларида сувоқава тизимларини янгитдан қуриш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Фарғона вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати

2019-12-12 11:22:13